

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ
БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМНАЗАРОВА ДУРДОНА ШУҲРАТИЛЛАЕВНА

**ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА ГАП БЎЛАКЛАРИНИ
АКТУАЛЛАШТИРУВЧИ ВОСИТАЛАР ТАДЌИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма
тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УҮК: 811.111'362
811.512.133'362

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)) in
Philological Sciences**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Эгамназарова Дурдона Шухратиллаевна Турли тизимли тилларда гап бўлакларини актуаллаштирувчи воситалар тадқиқи	3
 Egamnazarova Durdona Shuhratillaevna Research on the means of actualization of the parts of the sentence in non- relative languages	27
 Эгамназарова Дурдона Шухратиллаевна Исследование средств актуализации членов предложения в разносистемных языках.....	49
 Эълон қилинган ишлар рўйхати List of published works Список опубликованных работ.....	53

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ
БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМНАЗАРОВА ДУРДОНА ШУҲРАТИЛЛАЕВНА

**ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА ГАП БЎЛАКЛАРИНИ
АКТУАЛЛАШТИРУВЧИ ВОСИТАЛАР ТАДЌИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма
тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Fil617 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифасининг www.adu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шахабитдинова Шохида Хошимовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Якубов Жамалиддин Абдувалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Тоирова Наргиза Исаковна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Кўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети хузуридаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223 88 14; факс: 0(374) 223 88 30; e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223-88-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.М.Улуқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

У.Э.Рахимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н. доцент

М.И.Умарходжаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигига замонавий тенденциялар глобаллашув шароитида тилнинг маданият ҳамда жамият билан боғлиқ бўлган соҳалардаги жиҳатларини бир-бирига қардош бўлган ва бўлмаган тиллар доирасида кенг қамровли таҳлил қилинишини тақозо этмоқда. Замонавий тилшуносликда мулоқот асоси бўлмиш гапнинг коммуникатив жиҳатдан тузилишига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Шу жиҳатдан олиб қаралса, гапнинг актуал бўлиниши устида изланишлар коммуникатив синтаксис, матн лингвистикаси ва таржимашунослик соҳаларининг ривожланишида ва бир қанча ечилмаган муаммоларни таҳлил қилишда жуда ҳам муҳим босқич ҳисобланади. Гапнинг актуал бўлиниши масаласи ҳозирги замон тилшунослиги, хусусан, дискурс таҳлилиниң энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада олиб борилган бир қатор изланишларнинг самараси ўлароқ салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

Дунё тилшунослигига бугунги ижтимоий шароитда инсонларнинг бирдамликка интилиши, ўзга халқлар маданияти ва тилини ўрганишга бўлган иштиёқининг мунтазам ўсиб бориши ўз илмий аксини топмоқда. Гапнинг актуал қурилиши нафақат чет тилларни ўрганувчилар, балки ўз она тилида мулоқот қилувчилар учун ҳам ғоят кенг маънолар спектрини ҳосил қилувчи восита сифатида жуда қизиқарли ва, шу билан бирга, ўта мураккаб ўрганиш обьектидир. Ҳозирги кунга қадар гапнинг актуал бўлиниши бўйича жаҳон ва ўзбек тилшунослигига муайян илмий ишлар амалга оширилган бўлса-да, ушбу мавзу ўзбек ва инглиз нутқи мисолида яхлит тизим шаклида қиёсий аспектда ўрганилмаганлиги ушбу муаммонинг бир-бирига қардош бўлмаган мазкур тиллар доирасида чоғиширма тадқиқ этилиши лозимлигини кўрсатади.

Ўзбек тилшунослигининг замонавий тараққиёт босқичида ҳар қандай изланиш ва тадқиқот натижалари доимий янгиланиб, тўлдириб боришлиши ва бу ютуқлар нафақат тилшунослик, балки жамият ривожига хизмат қилиши кераклиги асосий талаб ҳисобланади. Айтиш жоизки, ўзбек тилшунослари томонидан гап бўлакларининг актуаллашуви муаммолари маълум даражада ўрганилган бўлса-да, турли тизимдаги тиллараро қиёсий таҳлил асосидаги тадқиқотлар оқсамоқда. Ўзбек ва инглиз тиллари синтактик қурилиши жиҳатидан бир-биридан анчагина фарқланишини ҳисобга оладиган бўлсақ, тил ўрганувчилар маълум қийинчиликлар, хусусан, тилларарао интерференция муаммоларига дуч келишлари табиий. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, гап бўлакларини актуаллаштирувчи воситаларнинг турли тизимли тиллар орасидаги, хусусан, ўзбек ва инглиз тиллариаро чоғиширма тадқиқи бугунги кун ўзбек тилшунослиги олдида турган муҳим масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳар томонлама ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш ҳақидаги кўрсатмаларга асосан¹ тилшунослик олдига қўйилган вазифалар сирасида бу масалани ҳам санаш мумкин.

¹ Мирзиёев Ш. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармон / Халқ сўзи. 2017йил, 8 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон қарори, 2015 йил 12 июнданги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732-сон фармони, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4794-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисидаги 124-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қиласи.

Тадқиқотнинг республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга боғлиқлиги. Диссертация фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносликда гапнинг актуал бўлиниши концепцияси бўйича турли тилларда тадқиқот олиб борилган бўлиб, ушбу соҳага салмоқли ҳисса қўшган олимларнинг ишлари диққатга сазовордир. Бироқ, энг самарали изланишлар учун дастуриламал бўлган ёндашувлар А.Вейль, Г.Габеленц, В.Матезиус каби тилшунослар томонидан ишлаб чиқилган. Г.Габеленцнинг масалага психологик нұқтаи назардан ёндашуви кейинча Г.Пауль, Ф.Ф.Фортунатов сингари етук тилшунослар томонидан ривожлантирилди². Мазкур йўналишдаги тадқиқотларнинг функционал-семантик асоси атоқли тилшунос В.Матезиус томонидан таҳлил қилинди ва Я.Фирбас, П.Адамец, Э.Бенеш, Л.Углиржова каби издошлари томонидан яна ҳам чуқурроқ ўрганилди³. Рус тилшунослигига ҳам В.Матезиуснинг қарашлари кенг талқин этилди ва сезиларли даражада ривожлантирилди. Бу масала коммуникатив синтаксиснинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолди.

² Weil H. The order of words in the ancient languages compared with that of modern languages. – Boston: Ginn & Company publishers, 1887; von der Gabelentz G. Anfangsgründe der chinesischen Grammatik: mit Übungsstücken. – TO Weigel, 1883; Матезиус В. О так называемом актуальном членении предложения // Пражский лингвистический кружок. – М., 1967; Пауль Г. Принципы истории языка. – М.: Изд. иностр. лит., 1960; Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды, т.2. – М: Учпедгиз, 1957.

³ Фирбас Я. Функции вопроса в процессе коммуникации // Вопросы языкознания. – 1972. – № 2. Fibras J. On the Communicative Value of the Modern English. // Brno Studies in English. – Prague: Academia, 1959. Fibras J. Non – thematic Subject in Contemporary English // Travaux du Circle Linguistique de Prague. – Prague, 1965. Fibras J. Functional Sentence Perspective in Written and Spoken Communication. – N.Y.: Press Syndicate of the University of – Cambridge, 1992; Адамец П. Порядок слов в современном русском языке. – Прага: Academia, 1966. Beneš E. On Two Aspects of Functional Sentence Perspective // Travaux linguistiques de Prague. – Prague: Academia, 1968; Uhliřová L. On the Role of Statistics in the Investigation of FSP // Papers on Functional Sentence Perspective / ed. By F. Daneš. – Prague: Academia, 1974.

Масалан, И.П.Распопов, К.Г.Крушельницкая, И.И.Ковтунова, О.А.Лаптева, А.Л.Пумпянский, Т.М.Николаева, сингари кўплаб тилшуносарнинг илмий тадқиқотлари бунга мисол бўла олади⁴.

Соҳанинг забардаст вакилларидан яна бири М.Халлидэй ҳисобланади. Олим гапнинг коммуникатив структураси, унинг таркибий қисмлари, масаланинг нафақат жумла, балки матн қўламидаги мавқенини кенг ёритиб берди.⁵ П.Фрайз, Ҳ.Руқайя, К.Матезиус, Г.Томпсон, У.Л.Чейф, Н.А.Слюсарева ва бошқалар ўз тадқиқотларини М.Халлидэй ёндашувлари билан ҳамоҳанг тарзда олиб бордилар ва самарали натижаларга эришдилар⁶.

Ўзбек тилшунослигида ҳам айрим ютуқлар кўлга киритилган. Ҳусусан, К.Ҳайитметов, М.Абдуллаттоев, М.Туропова, А.Сафаев, А.Нурмонов, О.Бозоров, Г.Рихсиева каби тилшуносарнинг ишларида концепциянинг муаммоли масалалари ўзига хос тарзда таҳлил қилинди⁷.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация 2017-2020 йилларга мўлжалланган «ОТ-Ф1-18. Оммавий лисоний маданиятни шаклантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиши» давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги лойиҳа доирасида тайёрланган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва инглиз тилларида гап бўлакларини актуаллаштирувчи воситаларни чоғиштирма тадқиқ этишдан иборат.

⁴ Распопов И.П. Актуальное членение предложения. – Уфа: Изд. Башк. Гос. ун., 1961; Крушельницкая К.Г. К вопросу о смысловом членении предложения//Вопросы языкоznания – 1956. – № 5; Ковтунова И.И. Современный русский язык. Порядок слов и актуальное членение предложения. – М.: Просвещение, 1976; Лаптева О.А. Чехословакские работы последних лет по вопросам актуального членения предложения//Вопросы языкоznания – 1963. – № 4 – С. 120-127; Пумпянский А.Л. Информационная роль порядка слов в научной и технической литературе. – М.: Наука, 1974; Николаева Т.М. Актуальное членение – категория грамматики текста//Вопросы языкоznания. – 1972. – №2 – С. 48 – 54

⁵ Halliday, M.A.K. An Introduction to functional grammar. – London: Edward Arnold, 2004. Halliday, M.A.K. Notes on transitivity and theme in English Part 1// Journal of Linguistics – 1967 – №2. Halliday, M.A.K. Language structure and language function. – In Lyons, ed., 1970. – P. 140 – 65. Halliday, M.A.K. Functional diversity in language as seen from a consideration of mood and modality in English. – Foundations of language 6,3. – 1970. – P. 322-361.

⁶ Fries, P. H. A personal View on theme. // Thematic development in English texts. Ed. MohsenGhadessy. – London and N.Y.: Pinter, 1995; Fries P. H., Hasan R. Reflections on Subject and theme: An Introduction. On subject and Theme. A discourse Functional Perspective. Eds. Ruqaiya Hasan and Peter H. Fries. – Amsterdam/Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 1995; Matthiessen Ch. THEME as an enabling resource in ideational ‘knowledge’ construction//Thematic development in English texts. Ed. Mohsen Ghadessy. – London and N.Y.: Pinter,1995; Thompson, G. Introducing Functional Grammar. SecondEdition. – London: Arnold, 2004; Чейф У. Л. Значения и структура языка – М.,1975; Слюсарева Н. А. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка. – М., 1981; Слюсарева Н. А. Об английском функционализме М. А. К. Хеллидея //Вопросы языкоznания. – 1987. – №5.

⁷ Ҳайитметов К. Ўзбек тилида гапнинг актуал бўлининиши ва позицион масалалари. – Тошкент: Фан, 1984. – Б.160 Ҳайитметов К. Детерминантлар гапнинг актуал бўлининиши назарияси аспектида//Ўзбек тили ва адабиёти – 1981 – №2 – Б. 27-31. Ҳайитметов К. Сўзлар тартиби ҳакида//Ўзбек тили ва адабиёти – 1974. – №3, – Б. 88-96; Абдуллаттоев М. Ўзбекматнида суперсинтактик бутунликлар: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Т., 1997; Туропова М.Ш. Порядок членов предложения в узбекских говорах: Автореф. канд. дисс. – Ташкент, 1972; Сафаев А. Семантико – синтаксического членение предложения в узбекском языке. – Ташкент: Ўқитувчи, 1997. Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Ташкент: Фан, 1992. Нурмонов А. Гап ҳакида синтактик назариялар. – Ташкент: Низомий номидаги педагогика институти, 1988. Нурмонов А., Ортикова Н. Гапнинг погонали тузилиши ва гапни бўлакларга ажратиш тамойиллари//Ўзбек тили ва адабиёти – 2002 – №3. Нурманов А. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1982; Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив(актуал) тузилиши: Филол. фан. номз. ...дисс. – Фарғона, 2004; Рихсиева Г. Шеъриятда гапларнинг актуал бўлининишида анафоралар ўрни: Филол. фан. номз. ...дисс. – Т., 1999.

Тадқиқот вазифалари қуидагилардан иборат:

ўзбек ва инглиз тилларида коммуникатив тузилишнинг гап семантикасидаги аҳамиятини аниқлаш;

ўзбек ва инглиз тилларида гапнинг актуал бўлиниши қонуниятларининг формал-грамматик тузилишга муносабати ва унинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ очиб бериш;

ўзбек ва инглиз тилларида гапларнинг актуал бўлиниши учун хизмат қилувчи лингвистик омилларни аниқлаш;

ўзбек ва инглиз тилларида гап бўлакларини актуаллаштирувчи просодик, морфологик, синтактик ва лексик-стилистик воситаларнинг ўзларига хос бўлган хусусиятлари ва вазифаларини чоғиширма тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти ўзбек ва инглиз тилларида гапнинг коммуникатив тузилиши ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек ва инглиз тилларида гап бўлакларини актуаллаштирувчи лисоний воситалар.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот олдига кўйилган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида тавсифий, чоғиширма, лингвостатистик, компонент таҳлил ва прагматик анализ методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуидагилардан иборат:

ўзбек ва инглиз тилларида гап бўлакларининг коммуникатив вазнига таъсир кўрсатишда хизмат қилувчи фонетик, морфологик, лексик, стилистик ва синтактик тил сатҳларига оид лисоний бирликлар аниқланган;

ўзбек ва инглиз тилларида актуал бўлиниш воситаларининг вазифалари очиб берилган;

ўзбек ва инглиз тилларида гап бўлаклари актуаллаштирувчи воситаларнинг фарқли ва умумийлик жиҳатларини намоён этувчи хусусиятлари далилланган;

ўзбек ва инглиз тилларида гап бўлакларини актуаллаштирувчи лингвистик воситаларнинг нутқда қўлланишига кўра фаоллик даражаси ўртасидаги фарқлар кўрсатиб берилган;

ўзбек ва инглиз тилларида тема-рематик прогрессиянинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган;

актуал бўлинишнинг бинар эмас, балки тринар тушунча эканлиги исботланган;

гап бўлакларини актуаллаштирувчи воситаларнинг қиёсланаётган тиллардаги сираси аниқланган ва тавсифланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуидагилардан иборат:

олий ўқув юртларида умумий, қиёсий, ўзбек ва инглиз тилшунослиги, таржимашунослик, коммуникатив синтаксис бўйича дарсликлар тузиш, маъзуза ва амалий машғулотларни ишлаб чиқиш, олиб бориш жараёнларининг мукаммаллашувида аҳамиятли эканлиги белгилаб берилган;

ўзбек ва инглиз тилларида актуаллаштирувчи лингвистик воситаларнинг нутқда қайси гап бўлакларининг коммуникатив вазнига таъсир кўрсата олиши жадваллар асосида келтирилган;

актуал бўлинишга оид муайян лингвистик атамалар изоҳланди, бу эса замонавий лингвистик атамалар лугатини тузишда қўл келади, шунингдек, таржима жараёнида актуаллашган бўлакларни аниқлаш орқали адекватликни таъминлашга доир тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАҚ рўйхатидаги маҳсус журнallарда чоп этилган мақолалар, хulosалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари ҳамда илмий хulosаларидан чоғиширма тилшунослик ва таржимашунослик йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб борища фойдаланиш мумкин. Тадқиқот материаллари тилшунослик ва таржимашуносликда бир-бирига қардош бўлмаган ўзбек ва инглиз тилларига оид бир қанча коммуникатив-прагматик фарқлар ва ўхшашликларни тадқиқ этишда ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзуга доир таҳлиллар натижасида олинган илмий-назарий хulosалардан «Таржима назарияси», «Стилистика», «Чет тили (инглиз)» каби фанлар ва маҳсус курсларни, шунингдек, фикрни тўғри, таъсирили ифодалаш, нутқни мантиқий ва тадрижий шакллантириш қонуниятларини ўргатувчи «Нутқ маданияти асослари» курсини ўқитишида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли тизимли тилларда гап бўлакларини актуаллаштирувчи воситалар қиёсий тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар, амалий таклифлар ва хulosалар асосида:

Андижон давлат университетида бажарилган 2012-2014 йилларга мўлжалланган «ИТД-1-57 Ўзбек тилининг татбиқий йўналишларини амалга оширишнинг дастурини ишлаб чиқиши» давлат амалий-тадқиқот дастурлари доирасидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлигининг 2020 йил 9 июндаги 89-03-1970 сонли маълумотномаси). Мазкур диссертация материаллари ва натижаларидан дунё тилларида гапни актуаллаштирувчи воситаларни ифодалашда ўзига хосликларни қиёслаб аниқлашда, нутқнинг турли кўринишларида гап бўлакларини актуаллаштирувчи воситаларнинг ўзига хос жиҳатлари, нутқни ташкиллаштириш ҳамда тушунишда актуаллашувнинг ўрнини аниқлаш ва баҳолашда, турли лингвомаданият вакилларининг коммуникатив самарадорлигини таъминлаш борасидаги қарашларни шакллантиришда фойдаланилган. Шунингдек, синтактик бирликларнинг структур ва семантик хусусиятларини ўрганишда хизмат қилган. Натижада гапнинг коммуникатив аспекти тавсифлари мукаммаллаштирилган;

тадқиқот иши натижаларидан Андижон давлат университетида бажарилган 2015-2017 йилларга мўлжалланган «А-1-39 Ўзбек амалий психолингвистикасини яратиш дастурини ишлаб чиқиши» давлат амалий-тадқиқот дастурлари доирасидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлигининг 2020 йил 9 июндаги 89-03-1970 сонли маълумотномаси). Мазкур диссертация материалларидан дунё тилларида гапни актуаллаштирувчи воситалар орқали гап психолингвистик тусининг ўзгаришидаги ўзига хосликларни қиёслаб аниқлашда, тилнинг турли сатҳларига мансуб гап бўлакларини актуаллаштирувчи воситаларнинг ўзига хос жиҳатларининг нутқни яратиш ва қабул қилишга таъсирини баҳолашда, турли лингвомаданият вакилларининг гап шакллантиришдаги уникал жиҳатлари борасидаги қарашларни шакллантиришда фойдаланилган. Натижада синтактик бирликларнинг психосемантик хусусиятларини ўрганишга хизмат қилувчи қонуниятлар далилланган;

тадқиқотга тортилган турли тизимли тилларда гап бўлакларини актуаллаштирувчи воситалар қиёсий тадқиқига бағишлиланган таҳлилий фикрлари ва назарий хуносаларидан Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг Андижон ахбороти «News» информацион кўрсатувида, «Ёшлар вақти», «Шукрон», «Маънавият сарчашмаси» кўрсатувларида фойдаланилган (Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 8 май санасидаги 20-24/187сонли маълумотномаси). Натижада телетомошибинларни ўзбек ва инглиз тилларида гапнинг актуал бўлинишининг ўзига хос хусусиятлари, фарқли ва ўхшаш жиҳатлари билан таништиришда муҳим аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари З та халқаро ва З та республика илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий атtestация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 148 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Гапнинг актуал бўлиниши концепциясининг назарий асослари»** деб номланиб, унинг биринчи бўлимида **«Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг тарихи ҳамда асосий йўналишлари»** ёритилади.

Гапнинг актуал бўлиниши (Г.А.Б) тўғрисидаги таълимот уч юз йилдан ортиқроқ тарихга эгадир⁸. О.Бозоров таълимотнинг илдизлари узоқ тарихга – Рим империяси даврига бориб тақалишини айтиб ўтади⁹. XVII асрнинг ўрталарида, бу масала Франциядаги Пор Рояль мактаби вакиллари томонидан жиддий аснода ўрганила бошланди. XVIII асрга келиб, француз тилшунослари М.Бозе ва Э.Кондельяқ, XIX аср немис тилшунослари К.Беккер ва С.Герлинглар ҳам ушбу таълимот ривожига муҳим ҳисса қўшдилар¹⁰.

Концепциянинг эволюцион ривожи Анри Вейль тадқиқотлари билан жадаллашди. Олимнинг 1844 йилда чоп этилган лотин ва грек тилларида сўз тартибининг ўзига хос хусусиятлари (хозирги замон тиллари билан қиёсланган ҳолда) тўғрисидаги тезиси XX асрнинг бошларидан то бугунги кунгача давом этиб келаётган гапнинг актуал бўлиниши тўғрисидаги тадқиқотларга туртки бўлди¹¹. Ўнлаб етук олимлар А.Вейль назарияси асосида ўз қарашларини ишлаб чиқдилар. Бироқ, энг самарали изланишлар учун дастуруламал бўлган ёндашув Г.Габеленц, В.Матезиус ёки М.А.К.Халлидей ва уларнинг издошлари илгари сурган назарияларга асосланган бўлиб, улар, гарчи ягона асосга эга бўлса-да, ёндашув нуқтаи назаридан кескин фарқларга эга. Демак, актуал бўлиниш устида тадқиқот олиб борган олимлар уч лагерга бўлинган дейиш мумкин.

Вейлнинг ғоялари дастлаб психологик жиҳатдан талқин қилинди. Грамматик субъект(эга)дан психологик субъектни фарқлаш тушунчаси дастлаб Г.Штейнталъ томонидан илгари сурилди ва Г.фон де Габеленц, Г.Пауль, А.Марти, С.Брассаи, Ф.Ф.Фортунатов, А.М.Пешковский ва А.А.Шахматов сингари етук тилшунослар томонидан асослаб берилди ва том маънода ривожлантирилди¹². Хусусан, Георг Фон де Габеленц нутқ предикати сифатида иштирок этадиган биринчи тасаввурни «психологик субъект», психологик субъект ҳақида маълумот берувчи иккинчи тасаввурни «психологик предикат» деб номлайди. Г.Пауль мантиқий урғу остидаги бўлакнинг психологик кесим эканлигини ва номаълум нарса ҳақида янги маълумот беришини таъкидлайди¹³. А.М.Пешковский эса маълум жумла контекстдан ажратиб олинган тақдирда, икки ёқлама маънога эга бўлган қурилмага айланишини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, психологик эга ва кесимнинг ташқи белгиларини аниқлаб берувчи омил фраза урғуси бўлиб, айнан у психологик жиҳатдан бош сўзни белгилаб беради¹⁴.

Гапнинг актуал бўлиниши тўғрисидаги фикрлар В.Матезиус ва Прага тилшунослик мактаби вакиллари томонидан яна ҳам чукур таҳлил қилинди ва ривожлантирилди. В.Матезиус жумланинг шакли, функцияси ва маъносига

⁸ Саттарова А. Ф. Из истории изучения актуального членения предложения // Молодой ученый – 2014. – №4 – С. 1231-1233.

⁹ Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив(актуал) тузилиши: Филол. фан. номз. ...дис. – Фарғона, 2004. – Б.10.

¹⁰ Қаранг: Бозоров О., Кўрс. манба – Б.11

¹¹ Карап: Ping A.L. Theme and Rheme: An Alternative Account. – Bern: Peter Lang, 2004. – P.23-24

¹² http://www.krugosvet.ru/enc/gumanitarnye_nauki/lingvistika/SUBEKT.html

¹³ Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив(актуал) тузилиши: Филол. фан. номз. ...дис. – Фарғона, 2004. – Б.11

¹⁴ Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М.: «Языки славянской культуры», 2001. – С. 236-237

асосий эътиборини қаратди¹⁵. Олимнинг таъкидлашича, формал бўлинишнинг асосий элементлари грамматик эга ва кесим бўлса, актуал бўлинишнинг ташкилий компонентлари жумланинг бошлангич пункти ва ядроидир; «психологик субъект», «психологик предикат» терминлари муваффақиятли танланган деб бўлмайди, чунки, биринчидан, гапдаги бошлангич пункт доимий равишда ҳам тема бўлавермайди, иккинчидан эса бу терминлар актуал бўлинишнинг мазкур икки компонентини тўлиқ фарқлаб беришга қодир эмас¹⁶. Матезиус шу йўсинда Г.Габеленц томонидан киритилган психологик эга ва кесим атамаларини рад этди. Матезиус олиб борган тадқиқотлар туфайли чех тилшунослиги сўз тартиби, хусусан, гапнинг актуал бўлиниши тўғрисидаги муаммоли саволларга ечим топишда асос бўлиб хизмат қилувчи бебаҳо меросга эга бўлди.

Г.А.Б. концепцияси ривожини В.Матезиуснинг бир қатор издошлари бўлмиш Я. Фирбас, П.Адамец, П.Сгалл, Е.Гаичова, Й.Филипец, Э.Бенеш, Л.Углиржова каби етук тилшунослар ишларида кўришимиз мумкин¹⁷. Рус тилшунослигига ҳам В.Матезиуснинг қарашлари кенг талқин этилиб, актуал бўлиниш коммуникатив синтаксиснинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолди. Масалан, И.П.Распопов, К.Г.Крушельницкая, И.И.Ковтунова, О.А.Лаптева, А.Л.Пумпянский, Т.М.Николаева сингари кўплаб тилшуносларнинг илмий тадқиқотлари бунга мисол бўла олади¹⁸.

Соҳа вакилларидан яна бири М.Халлидей гапнинг коммуникатив структураси, унинг таркибий қисмлари, масаланинг нафақат жумла, балки матн кўламидаги хусусиятларини кенг ёритиб берди¹⁹. У гапнинг актуал бўлинишига позиционал нуқтаи назардан қарайди ва таъкидлайдики, тема жойлашув ўрнига кўра характерланувчи компонентдир, яъни доим жумлани бошлаб беради²⁰. Халлидей актуаллашиш фақатгина гап сатҳида эмас балки бутун параграф ёхуд матн учун ҳам хос бўлган тушунча сифатида талқин қилиниши керак эканлигини таъкидлайди.

Ўзбек тилшунослари томонидан Г.А.Б. ҳодисасининг ўрганилиш XX асрнинг сўнгти палласига келиб илгари сурила бошлади. К.Хайитметов, М.Абдулпаттоев, М.Туропова, А.Сафаев, А.Нурмонов ва О.Бозоров каби

¹⁵ Ping A.L. Кўрс. манба. – Р. 25

¹⁶ Матезиус В. О так называемом актуальном членении предложения // Пражский лингвистический кружок: Сб. статей. – М., 1967. – С.239-245.

¹⁷ Бу хақида батафсил қаранг: Огиенко Е.А. Кўрс. манба.

¹⁸ Распопов И.П. Актуальное членение предложения. – Уфа: Изд. Башк. Гос. ун., 1961; Крушельницкая К.Г. К вопросу о смысловом членении предложения//Вопросы языкоznания, – 1956. – № 5. – С. 55 – 67; Ковтунова И.И. Современный русский язык. Порядок слов и актуальное членение предложения. – М.: Просвещение, 1976. – С.239; Лаптева О.А. Чехословацкие работы последних лет по вопросам актуального членения предложения//Вопросы языкоznания, – 1963. – № 4. – С.120-127; Пумпянский А.Л. Иноинформационная роль порядка слов в научной и технической литературе. – М.: Наука, 1974. – С.248; Николаева Т.М. Актуальное членение – категория грамматики текста//Вопросы языкоznания. – 1972. – № 2. – С. 48-54.

¹⁹ Halliday, M.A.K. An Introduction to functional grammar. – London: Edward Arnold, 2004. Halliday, M.A.K. Notes on transitivity and theme in English Part 1. // Journal of Linguistics 2, 1967. Halliday, M.A.K. Language structure and language function. – In Lyons, ed.:1970. – P. 140-165. Halliday, M.A.K. Functional diversity in language as seen from a consideration of mood and modality in English //Foundations of language, 1970. – P. 189-213.

²⁰ Halliday, M.A.K. Notes on transitivity and theme in English Part 1. // Journal of Linguistics 2, 1967. – P.123-130.

тилшуносарнингишиларида концепциянинг муаммоли масалалари ўзига хос тарзда таҳлил қилинди²¹.

Биринчи бобнинг «Гап семантикасида коммуникатив тузилишнинг аҳамияти» деб номланган иккинчи бўлимидаги замонавий тилшуносликда гап семантикасининг турли ёндашувлар ва терминлар асосига қурилган талқини, ва уни ташкил этувчи омиллар, шунингдек, гап семантикаси бажарадиган функциялар тизими ва мазкур жараёнда коммуникатив тузилишнинг мавқеи ёритиб берилган. Гапнинг семантик тузилиши умумий тишуносликда асосан пропозитив, модаллик ва коммуникатив аспектларига кўра таҳлил қилинади. Тил биринчи ўринда коммуникатив вазифани бажараб экан, мулоқотнинг асоси бўлмиш гапнинг коммуникатив аспекти бошқаларга қараганда муҳимроқ аҳамиятга эгадир. Агар синтактик қурилмалар коммуникатив мақсадни акс этмаса, гап сифатида шакллана олмайди. Маълум берилган жумла муаллифнинг коммуникатив мақсадидан келиб чиқсан ҳолда турли информатив бўёқдорлик билан қўлланилиши ва турли коммуникатив вазифани бажариши мумкин эканлиги тегишли мисоллар орқали таҳлил қилинган.

«Гапнинг актуал бўлинишини ташкил этувчи бирликлар» номли учинчи бўлимда коммуникатив компонент таркибидағи семантик бирликлар – тема ва рема, шунингдек, альтернатив атамалар ҳақида сўз юритилади. Гап бўлакларини актуаллаштирувчи асосий ва ёрдамчи воситаларнинг тадқиқот иши учун танлаб олинган таснифи илгари сурилади.

Гапнинг актуал бўлиниши хусусидаги назариянинг, асосан, икки унсури бор: хабарнинг бошланиш қисми (тема) ва асосий, фаол бўлган қисми (рема). Мантикий ургу ҳар доим асосий нуқтани ифодаловчи сўзга тушади. Рема гапнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, асосий коммуникатив вазифани бажаради, сўзловчи етказмоқчи бўлган ахборотдан иборат бўлади. Шунинг учун ремасиз гап ўз мазмунини йўқотади ва коммуникатив вазифасини бажара олмайди. Тема эса информатив нуқтаи назардан муҳимлик даражаси юқори бўлмаган вазифани бажарса-да, ремага томон силжиб боришни таъминловчи компонентдир. Тилшунослик тарихида гапнинг коммуникатив компонентлари учун тема-рема тушунчалари ягона қабул қилинган терминлар эмас: тилшуносар томонидан турли хил бошқа атамалар ҳам илгари сурилган. (Қаранг: 1-илюва)

Тадқиқот ишимизда гапнинг актуал бўлинишини тингловчи/ўқувчига маълум ва номаълумлик принципига эмас, балки жумла таркибидағи компонентларнинг коммуникатив вазнига кўра аниқлаш тамойили асос қилиб олганимиз сабабли «тема» ва «рема», реманинг синоними сифатида

²¹ Ҳайитметов К. Ўзбек тилида гапнинг актуал бўлиниши ва позицион масалалари. – Тошкент: Фан, 1984. – Б.160.; Ҳайитметов К. Детерминантлар гапнинг актуал бўлиниш назарияси аспектида//Ўзбек тили ва адабиёти – 1981. – №2 – Б. 27-31. Ҳайитметов К. Сўзлар тартиби ҳақида//Ўзбек тили ва адабиёти – 1974. – №3 – Б.123-127; Абдуллаттоев М. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар: Филол. фан. номз. ...дис. автореферати. – Тошкент, 1997; Турапова М.Ш. Порядок членов предложения в узбекских говорах: Автореф. канд. дисс. – Ташкент, 1972; Сафаев А. Семантико-синтаксического членение предложения в узбекском языке. – Ташкент: Ўқитувчи, 1997. – С.141; Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. Нурмонов А. Гап ҳақида синтактик назариялар. – Тошкент: Низомий номидаги педагогика институти, 1988. Нурмонов А., Ортикова Н. Гапнинг погонали тузилиши ва гапни бўлакларга ажратиш тамойиллари//Ўзбек тили ва адабиёти – 2002 – № 3. Нурманов А. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1982; Бозоров О. Кўрс.манба.

«коммуникатив марказ», шунингдек, реманинг энг муҳим қисмига нисбатан «рема кульминацияси» терминларидан фойдаланиш орқали Г.А.Б. концепцияси бинар эмас, балки тринар тушунча эканлигини исботлашга ҳаракат қилдик. Шу ўринда савол туғилиши табий: бир ёки икки компонетли гапларда-чи? Таъкидлаган бўлар эдикки, атov ва содда йифиқ гапларнинг ремаси асосан монокомпонентли бўлаклар билан ифодаланса-да, бу хил ўринларда рема ва унинг кульминацияси бирлашади. Масалан, «Онам келди» жумласини ёзма нутқда ҳиссий-экспрессивликдан ҳоли бўлган гап сифатида олсан, эга бўлак тема, кесим эса бир пайтнинг ўзида рема ва унинг кульминациясини бирлаштиради. Сўзлашув нутқида эса, сўзловчининг коммуникатив мақсадига кўра мантиқий ёки эмфатик урғу тушган қисмда юқоридаги сингари вазият кузатилади.

Гап бўлакларини актуаллаштирувчи воситалар қиёсланаётган тилларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда просодик, синтактик лексик-стилистик ва морфологик тизимда таҳлил қилинди. Мазкур воситалар асосий ва ёрдамчи (факультатив) актуаллаштирувчилар сифатида тартибга келтирилди, чунки актуал бўлиниш контекст тақозоси билан юзага келиши ва қиёсланаётган тилларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, турли миқдор ва муҳимлик даражасига эга бўлганлиги сабабли ўзига хос ўхшашликлар, фарқлар ва эврилишлар билан қўлланилади. Ўзбек ва инглиз тилларида интонация ва сўз тартиби актуаллашишни ифодаловчи асосий воситалари бўлиб, қолган воситалар мазкур функцияни мана шу асосий воситалар сояси остида амалга оширадилар.

Гапнинг актуал бўлиниши бирликлари сифатида икки асосий компонент (тема ва рема)ни олсан-да, юқорида айтиб ўтганимиздек, рема гурухини ҳам ўз навбатида қисмларга бўлиш тамойили билан ёндашмоқдамиз, яъни реманинг энг фаол қисмини «кульминация» сифатида ажратмоқдамиз. Демак, бизнинг талқин бўйича жумла бирликлари коммуникатив жиҳатдан фаоллиги ёки Я.Фирбас таърифи билан айтганда, динамиклиги паст, юқорироқ ва энг юқори пунктларга бўлиб таҳлил қилинади. Тадқиқот ишимизда темага нисбатан баъзи тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, позиционал ёндашишдан йироқмиз²². Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, тема, тўғри, кўпинча гап пропозициясида келади, бироқ ҳар доим ҳам шундай эмас, чунки коммуникатив вазни энг кам бўлган бўлак тил қонуниятлари ва сўзловчи/муаллифнинг коммуникатив мақсадига кўра турли ўринларда келиши ҳам мумкин. Шу жиҳатдан Я.Фирбаснинг актуал бўлинишга коммуникатив динамизм тамойили бўйича ёндашуви тарафдоримиз²³. Тадқиқот ишимиз дикқат маркази рема, бироқ рематик прогрессияда когезияни таъминлашда тема ҳам катта аҳамиятга эга, чунки матн бўлакларининг бир-бирига мантиқий боғлиқлиги, шунингдек, тадрижийлигини таъминловчи компонент айнан темадир. Зеро, нутқнинг, хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма шаклда бўлсин, равонлиги, мантиқий уйғунлиги

²² Халлидей М.А.К. қарашларида жумла темасига нисбатан позиционал ёндашув кучли. Унинг талқини бўйича тема гапнинг бошланғич пункти. Қаранг: Halliday, M.A.K. An Introduction to functional grammar. – London: Edward Arnold: 2004. – Р.79-85

²³ Батафсил: Firbas J. On the concept of communicative dynamism in the theory of functional sentence perspective. //Sbornik prací filosoficke fakulty Brnenske universitystudia minora facultatis philosophicae un1versitatis.Brunensis, 1971. – Р.135 – 144

коммуникациянинг самарали амалга ошишини таъминловчи омилдир. Информация оқимининг темадан рема томон силжиб бориши матнда кўзланган хабарнинг мақсадга мувофиқ тарзда етказиб берилиши учун муҳимдир. Тема-рема ўртасидаги ахборот алмашишини таъминловчи мазкур жараён тематик прогрессия деб аталади²⁴. Тематик прогрессия (ТП) концепцияси биринчи марта 1969 йилда чех тилшуноси Ф.Данеш томонидан илгари сурйлган²⁵. ТПнинг кўплаб моделлари мавжуд бўлса-да, Ф.Данеш томонидан ишлаб чиқилган намуна амалий жиҳатдан энг самаралиси ҳисобланади. Мазкур ёндашув матнда информация оқимини тартибга солишнинг функционал изоҳи деб қабул қилинган. Ф.Данеш фикрича, матн етказиб бераётган ахборотнинг қайси тартибда ташкил топиши ТП орқали аниқланади.

«Хозирги замон ўзбек тилида гап бўлакларини актуаллаштирувчи воситалар таҳлили» деб номланган иккинчи боб просодик, синтаксик, лексик-стилистик ва морфологик актуализаторларнинг ўзбек тилида ўзига хос ҳусусиятлари ва коммуникатив жиҳатдан аҳамияти масалаларига бағишлиланади.

Интонация деярли барча тилларда гапнинг коммуникатив марказини ажратувчи асосий восита бўлиб, гапга хос бўлган универсал ҳусусият ҳисобланади²⁶. Гап бўлакларини актуаллаштирувчи бошқа воситалар ҳамиша интонация билан уйғунликда фаоллашади. Интонация гапни информатив жиҳатдан қай даражада юкландиганин кўрсатиб берувчи, сўзловчининг ахборот беришдаги коммуникатив мақсади, кайфияти, хабар мазмуни ва тингловчига нисбатан муносабатини белгиловчи маркер ҳисобланади. Масала устида изланиш олиб борган олимлар интонация қандай коммуникатив вазифа бажариши тўғрисида турли қарашларни илгари сурғанлар. Ҳусусан, Ж.Д.Уэлльс интонациянинг муносабатни характерлаш функцияси, грамматик, дискурсив, коммуникатив, психологик, индексив функцияларни ажратиб кўрсатади²⁷.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўзбек тилида актуаллашган бўлак кесимнинг олдида туради; мантиқий урғу ҳам ўз-ўзидан параллель равища айнан шу бўлакка тушиб, гапда фикрий жиҳатдан аҳамияти бўлган элементни ажратиш учун хизмат қиласи; мантиқий урғули бўлакнинг урғули бўғини мелодикаси билан ҳам характерланади: у тон жиҳатдан одатдагидан ё баландроқ, ё пастроқ бўлади²⁸.

Эмфатик урғу моҳияти сўзловчининг маълум нутқий вазиятдаги ўз тингловчиси диққатини маълум ифодага жалб қилиш ниятида ифода элементларидан бирини узокроқ ва юқори тон билан талаффуз қилишдан

²⁴ Eggins S. An Introduction to Systemic Functional Linguistics. – London: Pinter Publishers, 1993. – P.56.

²⁵ Daneš, F. Functional sentence perspective and the organization of the text. Papers on Functional Sentence Perspective. – Prague: Academia, 1974. – P. 106-128.

²⁶ Шу ўринда деярли сўзига эътибор берилсин, чунки просодик воситалар ҳамма тилларда ҳам гапнинг коммуникатив курилишида роль ўйнамайди. Батафсил: Song S. Modeling information structure in a cross-linguistic perspective (Topics at the Grammar – Discourse Interface 1). – Berlin: LanguageScience Press, 2017. – P. 46.

²⁷ Wells J. C. English Intonation PB and Audio CD: An Introduction. – Cambridge University Press, 2006 – P.11.

²⁸ Бозоров О. Кўпс.acap – Б. 65.

иборатдир²⁹. Ўзбек тилида эмфаза олган бўлак қуидаги просодик воситалар орқали актуаллашади:

1. Пауза орқали. Одатда паузадан кейинги бўлак актуаллашади. Масалан:³⁰

Шунда...//кутилмаган ҳодиса/ рўй берди. (Хошимов Ў.)

2. Сўзни бўғинларга ажратиб талаффуз қилиш орқали: *Ла-қаб-чи!-//бўйнини чўзиб, бошини силкитиб деди// бола.* (Тўхтабоев X.)

3. Сўз таркибидаги унлини чўзиш орқали: *Менинг ўғлим// хў-ўп орзу-ҳавасли чиқди-да,/ барака топгур!* (Тўхтабоев X.) Бироқ, унлининг чўзилиши актуаллашмаган бўлак(тема)нинг фокусини (марказини) кўрсатишда қўлланилиши ҳам мумкин: *Бундан кў-ў-ўп ишлар аввал//бир нарсадан қаттиқ изтиробга тушибим.* (Хошимов Ў.)

4. Унлини кучли талаффуз қилиш (унлига зарб ургуси бериш) билан; бунда реманинг кульминациясига ишора қилинади: *У ўзига//янги телефон олганмии!*(норозилик ёки таъкид оҳангиги)

5. Ундошни жуфтлаш билан: – *Эшишак...// – деб қўшишма қилиб қўйди.*(Тўхтабоев X.)

6. Оҳанг орқали гапнинг мақсад мазмуни (дарак, сўроқ, ундов) ўзгаришидан ташқари турли эмоционал ҳолатлар ифода этилиб, маънони кучайтириш, бўрттириш орқали актуаллаштиришга хизмат қилади³¹.

Сўзлар тартибининг синтактик ва актуал тузилиш сатҳларидағи роли бир хил эмас – синтактик функция коммуникатив функцияга тобедир³². Ўзбек тилида сўз тартиби эркин бўлганлиги сабабли, унинг коммуникатив функцияси деярли барча контекстда устун ҳисобланади, яъни хабар мазмунидаги информатив марказни белгилаб беради, шунингдек, жумлага эмоционал бўёқдорлик бериш каби услубий вазифани ҳам бажаради: кесим гап сўнгидаги келиб, хабарнинг мазманий ва грамматик таянч нуқтаси ҳисобланади. Бошқа барча бўлаклар кесимнинг «бўш ўринларини» тўлдириб, унга нисбатан маълум вазиятда келади³³. Грамматик сатҳда сўз тартиби эркин ҳисоблангани билан, коммуникатив сатҳ нуқтаи назаридан бундай дея олмаймиз – ҳар қандай жумланинг коммуникатив маркази кесимдан аввал жой олади ва интонация билан ҳамоҳанг актуаллашади:

Анвар //бувисини кўргани /касалхонага борди (ўрин ҳолининг актуаллашуви); *Анвар// касалхонага /бувисини кўргани борди* (мақсад ҳолининг актуаллашуви); *Бувисини кўргани// касалхонага/ Анвар борди* (эганинг актуаллашуви)

Содда йиғиқ гапларда синтактик шакл коммуникатив тузилиш билан уйғунлашади, яъни жумла эгаси – тема, кесими – рема билан мос келади, бироқ бундай гапларда сўз тартибининг актуаллаштириш функцияси пасаяди ва коммуникатив марказ интонацияга мувофиқ белгиланади: *Тўрон амаки// йиғлаб*

²⁹Кўрс.асар – Б. 66.

³⁰Барча мисол тарикасида олинган гапларнинг актуал бўлиниши қуидагича ифодаланади: икки таёқча(/)темадан ремага томон силжиш ёки аксинча, рема гурухи эса тўқ шрифт билан, кўрсатилади.

³¹Иминов М., Нўймонов Т., Бобохонова Д.: Кўрс.асар – Б.48.

³²Ковтунова И.И. Современный русский язык. Порядок слов и актуальное членение предложения. – М.: Просвещение, 1976 – Б.12.

³³Усмонова Х. Ўзбек тилидаги гап бўлакларининг позицион тадқики. – – Т:Фан, 2005. – Б.9

юборди. (Тўхтабоев X.) Содда ёйиқ гапларда эса сўз тартибининг коммуникатив-стилистик вазифаси ортади, актуал бўлак аксарият ҳолатда кесимдан олдинги ўринга қўйилади, жумладан, эга ҳам: *Тўйга// нуқул солдатлар, офицерлар/ келганмиши.* (Хошимов Ў.)

Актуаллашган эга ёки тўлдирувчи ҳам кесимдан олдинги позицияга ўтади ва ўз навбатида, коммуникатив марказ таркиби киради. Қатъий тартибдаги ҳоллар кесим билан зич семантик-грамматик алоқага киришади ва ўз ўрнини ўзгартирмайди. Эркин тартибдаги ҳол эса гапнинг турли позицияларида кела олади³⁴.

Бўлаклари инверсияга учраган гаплар тўғри тартибдагига қараганда кўпроқ ажралиб туради ва ўзига кўпроқ диққатни жалб қиласиди³⁵. Сўзлашув нутқида сўзловчи сухбатдош учун энг зарур деб билган маълумот, муҳим нарса-ходисани олдин, унга зарур бўлмаган маълумотларни, қўшимча изоҳларни кейин айтади³⁶. Сўзловчи нутқ жараёнида гапнинг маълум бўлагини алоҳида тъкидламоқчи, тингловчи/ўқувчи диққатини ўшанга жалб этмоқчи, эга томонидан бажарил(ма)ган иш-ҳаракатнинг муҳимлигини эслатмоқчи бўлганда эга ва кесим инверсиясидан фойдаланади. Бунда гапнинг грамматик табиатини ўзгариши ҳам мумкин: дарак гап ундов гапга айланади. Бундай гапларда ҳам дарак, ҳам ундов маънолари қоришган бўлади. Йиғиқ от кесимли гапларда эса кесимга, кесим эгага ёки сўз биримаси гапга айланиши мумкин: *Тинчлик – баҳт; Баҳт – тинчлик.*

Иккинчи даражали бўлак инверсияси ҳам юқоридаги хусусиятларга эга, бироқ бунда гапнинг грамматик табиати ўзгармайди: алоҳида аҳамият берилган бўлак кесим ёнига кўчирилади холос: *Бувим сизни кўриши учун// Тошкентга келибди; Бувим Тошкентга// сизни кўриши учун келибди* каби.

Инверсия, айниқса, буйруқ гапларда ҳам жуда фаол ва самарали восита ҳисобланади. Буйруқ гапларнинг марказий қисми бўлмиш предикат гап бошига чиқиб, актуаллашади: *Ур,// номард қўшимачини!* (Фафур Ғулом)

Такрор (редупликация) ҳам гапнинг структур-семантик ва коммуникатив тузилишида муҳим роль ўйнайдиган восита ҳисобланади³⁷. А.А.Реформатский тъкидлашича, редупликация қўпчилик тилларда ахборотни кучайтириб етказиши воситаси ҳисобланади³⁸. Редупликация қуидаги кўринишларда учраши мумкин бўлган жуда кенг қамровли тушунчадир:³⁹ сўз таркибидаги маълум унли товушни чўзиш ёки ундошни қаватлаш орқали актуаллаштириш: *Йў-ў-ўқ! Ке-е-ел! Аҳҳмоқ!;*

сўз таркибидаги аффикснинг жуфтланиши: *болажоним-болажонгинам-болажонгинам ўзимнинг...;* бутун сўзнинг такрорланиши. Бу ҳам контекст

³⁴ Мусаев А.С. Ўзбек сўзлашув нутки услубида гап бўлакларининг тартиби. Филол. фан. номз. ...дис. – Самарқанд. 2000. – Б.28

³⁵ Кўрс.асар – Б.29.

³⁶ Кўрс.асар – Б.30.

³⁷ Букатникова С. Д. Редупликация в современной лингвистике // Наука RASTUDENT.RU. – 2014. – №. 4 (04 – 2014) / [Электронный ресурс] – Режим доступа. – URL: <http://nauka-rastudent.ru/4/1280/C.3>

³⁸ Каранг: Локман Б. Структура и семантика редупликации в Турецком и Таджикском языках: Дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе – 2015 – С.15

³⁹ Букатникова С.Д. К вопросу о классификации редупликаций// «Молодой учёный». – 2014. – № 4 (63) – С.60.

талабига кўра рема кўрсатгичи сифатида қўлланилиши мумкин: *тез-тез, сўлим-сўлим; маълум синтактик қурилманинг такрорланиши эса актуал бўлиниш учун жуда муҳим воситалардан биридир: Йигилишига// оммавий равишда таклиф этилди. Те-лефонда// таклиф этилди. Оғизма-оғиз// таклиф этилди. Ботир фирқа// телефонда таклиф этилди. Шахсан// таклиф этилди!*! (Т.Мурод)

Мазкур бўлимда, шунингдек, такрорнинг турли сўз туркумларида қандай намоён бўлиши ва коммуникатив сатҳда бажарадиган вазифаларига ҳам батафсил тўхталиб ўтилиб, улар орасида равиш ва феъл редупликацияси деярли ҳар доим рема индикатори вазифасини бажариши таъкидланган. Синтактик редупликация фономорфологик ва лексик такрорлардан кўра кенгрок тарқалган усул бўлиб, ўзбек тилида сўз тартибининг эркинлиги ҳисобга олинса, синтактик такрорнинг коммуникатив тузилишида роли бекиёсdir: *Тинчлик,// масаддуқ,// тинчлик!...*(Faфур Гулом); Синоним такрорлар хабар мазмунига экспрессивлик беришдан ташқари, уни кенгайтириш, батафсиллаштириш хусусиятига ҳам эга эканликлари билан аҳамиятлидир: *Мана// ўн йиллар оидики,// Комиссар// танҳо... Битта ўзи!*! (Хошимов Ў.)

Гапнинг коммуникатив тузилишида **интенсификаторлар** ҳам сезиларли аҳамиятга эга. Улар одатда просодик воситалар билан бирга қўлланилиб, хабар мазмунига қўшимча эмоционал-экспрессивлик ва интенсивлик юклайди⁴⁰. Интенсификаторлар актуал бўлакнинг абсолют белгиси бўлмаса-да, рема гурухи таркибида келганда хабар кульминациясини кўрсатиши билан ажralиб туради. Ўзбек тилида уларнинг қуйидаги турлари актуализатор вазифани бажаришлари мумкин:

даражা-ўлчов равишлари: энг, ўта, жуда, роса, бениҳоя, беҳад, ниҳоятда, бағоят, буткул, батамом, тўлиқ, узил-кесил, обдон, гоят(да), арангва ҳ.к.; **сон+лаб, -ларча** аффикси қолипидаги катта микдорни билдирувчи қурилмалар. Бунда фикр юритилаётган микдор бўрттирилиб, экспрессия билан ифодаланади, масалан, ўнлаб, юзлаб, мингларча; **ҳисоб сўз+лаб** аффикси орқали ясалган ва ҳажм, микдор, вақт, масофа, вазн ва ҳ.к. каби ўлчовнинг меъёрдан ортиқ даражаси учун қўлланиладиган қурилмалар, масалан: *тонналаб, пақирлаб, ҳовучлаб, йиллаб, ва ҳ.к.; қип-қизил, ғирт, ўлгудай, ўларча, ўта кетган, учига чиққан, тоза+от, равиш, феъл* қурилмали бирикмалар сўзлашув нутқи услубига хос бўлиб, хабар мазмунига ижобий ёки салбий эмоционал бўёқдорлик бериш учун қўлланилади; Шунингдек, **нақ/нақд, айниқса, атиги, бор-йўғи, ҳаргиз, сира, мутлақо, зинхор, ҳеч, аслокаби ёрдамчилари, ўзлик олмошлари**, шунингдек, **модал сўзлар** ҳам актуализаторлар сифатида тегишли мисоллар орқали таҳлил қилинган.

Гап коммуникатив структураси **стилистик воситалар** билан яна ҳам серқирра ва таъсирчан характерга эга бўлади. Стилистик фигуранлар нутқни таъсирли ва жозибали қилиш билан бирга, фикрни тингловчига тез ва осон етказиш имкониятини тугдиради. Улар ёрдамида ҳосил қилинган нутқ шакллари жарангдорликка мойил бўлади, шунинг учун ҳам уларни луғавий-

⁴⁰ Каранг: Балли Ш. Французская стилистика. – М., 1961. – С. 195-196; Гальперин И.Л. Текст как объект лингвистического исследования. – М., 1981. – С.271.

логик урғули нутқ деб аташ ҳам мумкин⁴¹. Мазкур бўлимда гап бўлакларининг актуаллашувида маълум даражада аҳамият касб этувчи стилистик фигуralар ва троплар таҳлил қилинади. Хусусан, **градация, гипербола, литота**, шунингдек, **метафора ва ўхшатиш** каби воситаларнинг коммуникатив жиҳатдан хусусиятлари таҳлил қилинади.

Морфологик воситалар бўлимида юкламалар, мажхул нисбат ва сифат даражалари актуал бўлиниш нуқтаи назаридан таҳлилга тортилган. Хусусан, юкламаларнинг гап мазмунига ҳар хил қўшимча маъно киритиб, айрим гап бўлакларини кучайтириш орқали актуаллашириш учун хизмат қилиши⁴² адабий асарлардан олинган тегишли мисоллар орқали кўрсатиб берилган. О.Бозоров таъкидлашича, юкламалар коммуникатив нуқтаи назардан деактуализатор ва актуализатор юкламаларга бўлиш мумкин. Деактуализатор юкламалар тема индикатори вазифасини бажаради. Актуализатор юкламалар эса мантиқий ёки эмфатик урғу билан бирга ремани ёки реманинг коммуникатив маркази ҳисобланган элементни (ядросини) ажратиб кўрсатиш учун хизмат қиласи⁴³. **-а, -да, -ку, -у / ю /, -оқ / ёқ /, -чи, -гина, на... на, тугул, фақат, холос, ҳатто** каби юкламалар шулар жумласидандир.

Гапда муайян **нисбат категориясининг** танланиши ҳам бевосита коммуникатив мақсад билан боғлиқ. Зоро, нисбат моҳиятида мавжуд бўлган феълнинг субъект ва объектга муносабатини ўзгартириши, субъект табиатини белгилаш каби хусусиятлар унинг актуал бўлиниши билан алоқадор эканлигини кўрсатади. Бир қарашда феълнинг пассив шаклининг танланиши логик субъект ҳақидаги маълумотнинг ноактуаллиги билан боғликдек туюлади⁴⁴. Масалан: *Тажриба// ўтказилди, шунинг учун// бу ердамиз*. Бироқ конструкцияга логик субъектни грамматик объект сифатида киритилиши коммуникатив планни бутунлай ўзгартириши мумкин.⁴⁵ *Тажриба// биз томонимиздан ўтказилди,/ шунинг учун бу ердамиз*. Бу ўринда гапнинг коммуникатив маркази «биз томонимиздан», яъни грамматик тўлдирувчиdir.

Сифатлардаги даража кўрсаткичлари кўпинча объектив борлиқقا нисбатан субъектив муносабатни ифодалайди. Сўзлашув услуби нутқида сифатлар редупликацияси ва айрим сифат интенсификаторларининг ҳам даражанинг ортиқлиги ёки ўта юқорилигини кўрсатган ҳолда, актуализатор сифатида қўлланилишини таъкидлаш жоиздир: *қип-қизил, кап-катта, бўм-бўши, ва ҳ.к.; Шунингдек, «гирт, ўлгудай, ўларча, ўта кетган+салбий бўёқдорликка эга бўлган сифатлар», «бирам, хўп, роса, зап, ёмон(ҳам)+салбий ёки ижобий сифатлар», «тим, тўқ+ранг билдирувчи сифатлар», «сифат+...дан суффикси+сифат»* қурилмаси орқали сифатни такрорлаш орқали ҳам муайян бўлак актуаллашиши мазкур бўлимда тегишли мисоллар

⁴¹ Ўсаров И.К. Кўшма гаплар умумий стилистикасининг муаммолари: Филол. фанл. номз. ...дисс. – Андижон, 2004. – Б. 86 .

⁴² Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.: Ўқитувчи, 1975. – Б.249.

⁴³ Бозоров О. Кўрс.асар – Б.102.

⁴⁴ Сулейманова К. И. Морфологик бирликлар системасида нисбат категориясининг ўрни: Филол. фанл. номз. ...дисс. – Фарғона, 2004. – Б.93.

⁴⁵ Сулейманова К. И. Кўрс. асар – Б.94.

орқали далилланган: *Нон// чучукдан-да чучук бўлди. Нон// шириндан-да ширин бўлди.* (Т.Мурод)

Диссертациянинг учинчи боби «Хозирги замон инглиз тилида гап бўлакларини актуаллаштирувчи воситалар таҳлили» деб номланади. Мазкур бобда интонация ва сўз тартиби билан бир қаторда артикль, интенсификаторлар, сифат даражалари, мажхул нисбат ва турли стилистик воситаларнинг мулоқотда коммуникатив-прагматик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларини таҳлилга тортилган.

Инглиз тилида сўз тартибининг эркин эмаслиги гапнинг актуал бўлинишида **просодик воситаларни** яна ҳам муҳим погонага олиб чиқади. Жумла таркибидаги сўзларга ургунинг даражаланиб тушишиши силсиласи уларнинг нисбий муҳимлик даражасидан келиб чиқади, яъни энг актуал бўлак энг кучли ургу билан талаффуз қилинади. Мантиқий ургу жумланинг семантик планига алоқадор бўлса, эмфатик ургу ҳиссий-экспрессив жиҳатига тегишли хусусият ҳисобланади⁴⁶. Эмфаза инглиз тилида (1) маълум товушни чўзиш (2) маълум бўғинга тегишли ургуни кучайтириш, (3) оҳанг ёки юқоридагиларни уйғун тарзда қўллаш орқали амалга оширилади⁴⁷. Инглиз тилида эмфазанинг асосий икки тури бор:⁴⁸ зидлов (контраст) эмфазаси ҳамда интенсификатор (кучайтирув) эмфаза. Зидлов эмфаза аввал тилга олинган маълум сўзга тамомила зид бошқа бирини ажратиб кўрсатади ёки тингловчи/ўқувчи учун бутунлай янги ёки кутилмаган хабар учун қўлланилади. Интенсификатор эмфаза эса белги-хусусиятни кучайтириб, керак бўлса, бўрттириб кўрсатиш учун қўлланилади, шунинг учун ҳам ҳар қандай сўз туркуми кучайтирув эмфазани олади дея айтолмаймиз, мазкур турнинг нутқда қўлланилиши сифат-хусусиятни билдирувчи сўзлар туркумлариаро чегараланган, масалан, сифат, равиш, микдорни билдирувчи отлар ва феълларнинг баъзи турлари⁴⁹. Тингловчи диққатини маълум сўзга кучлироқ тортиш, ўша бўлакнинг нақадар муҳим эканлигини ажратиб кўрсатиш учун пауза, шунингдек, алоҳида-алоҳида ҳарфлаб талаффуз қилиш тенденцияси ҳам мавжуд: *He// brought a parrot to me. Can you //imagine that? «P-A-R-R-O-T»*

Инглиз тили анализик тиллар оиласига мансуб бўлганлиги сабабли, маълум бўлакнинг гапдаги **тартибини** керакли грамматик ўзгаришларсиз амалга ошириб бўлмайди. Инглиз тилида сўзнинг қатъий тартиби гап бўлакларини актуаллашиш имкониятларини ўзбек тили билан қиёслаганда, анча пасайтиради, зеро инглиз тилида, ҳар қандай гап бўлагининг маълум позицияси бор⁵⁰. Дарак гапларда сўз тартиби эга-кесим-тўлдирувчи-вазият ҳоли- ўрин ҳоли- пайт ҳоли – каби қатъийлашади. Экспрессивликдан ҳоли бўлган нейтрал гапларда, хусусан, илмий услубда, реманинг кульминацияси одатда гап сўнгига қўйилади⁵¹: Нисбатан экспрессивликка эга бўлган гапларда

⁴⁶ Шевякова В.Е. Современный английский язык. Порядок слов, актуальное членение, интонация. – М: Наука, 1980. – С.65.

⁴⁷ Jones D. An outline of English phonetics. – Cambridge: W. Heffer & Sons LTD, 1962. – P. 297.

⁴⁸ Кўрс.асар – Р.298.

⁴⁹ Кўрс.асар – Б.7.

⁵⁰ Шевякова В.Е. Кўрс. асар – С.41.

⁵¹ Кўрс.асар – С.70.

эса тема ва реманинг гапдаги ўрни гапнинг қайси бўлаги актуаллашаётганига қараб белгиланади.

Инглиз тилида **инверсия** сўзлар тартибини икки хил модель асосида ўзгартириш йўли билан қўлланилади: гап кесимини тўлиқ эгадан олдинги позицияга қўйиш орқали. Бу вазиятда эга актуаллашади. Масалан: *There on the tiny stoop (ўрин ҳоли)// sat(кесим) Pecola(эга) in a light red sweater and blue cotton dress* (Morrison T.); Бундай турдаги инверсия инглиз тилида кенг тарқалган дея олмаймиз. Гап кесимини қисман эгадан олдинги ўринга қўйиш орқали тартибни ўзгартириш нисбатан (ҳам ёзма, ҳам сўзлашув услубида) кенг тарқалгандир. Бундай вазиятда, кесимга тегишли ёрдамчи ёки модал феъл эга олди позициясида, кесимнинг қолган қисми эса эгадан кейин жойлаштирилади. Инверсиянинг мазкур кўриниши «қисман инверсия» деб аталади:⁵² «*Not until the seventeenth century did (Ёрдамчи феъл) the fork (Эга) appear (Кесим) in England*» (Petroski H. The Evolution of Useful Things)

Мазкур бўлимда, шунингдек, инверсияда ифодаланиши мумкин бўлган бошқа унсурларга (инкор-чегаралов равишлари, ўрин ҳоли ва тўлдирувчи, тўсиқсиз эргаш гаплар инверсияси) хос хусусиятлар тўғрисида ҳам сўз юритилади.

Клефт гаплар кесимдан бошқа бўлакларни актуаллаштириш учун қўлланилади. Я.Г.Тестелец kleft гапларга «...бои гап қисми бутунлигича рема, тобе қисм эса тема ҳисобланган мураккаб қўшима гапларнинг (эргашган қўшима гапларнинг) ўзига хос кўринишидир. Бои гап пропозицияси – **клефт** гаплар, постпозицияси эса **псевдо-клефт** гапларни вужудга келтиради», – дея таъриф беради⁵³. Клефт гапнинг актуаллашган бўлагини гап бошига жойлаштириш интенсив равища ажратиб кўрсатиш имкони ҳамда зидлов муносабатни ифодалаш усули ҳамdir⁵⁴. Псевдо-клефт гапларда эса, аксинча, актуал бўлак тема гурухидан сўнг жой олади; Бироқ псевдо-клефтларнинг соф клефт гаплардан бир устун томони бор – гарчи рема мазкур қурилмаларда гап постпозициясида бўлса-да, Wh-қисмга маълум даражада фокус тушади⁵⁵, яъни информатив жиҳатдан бундай гаплар кучлироқ юклangan дейишимиз мумкин.

Гап бўлагини актуаллаштирувчи энг кенг тарқалган **стилистик-экспрессив** воситалардан бири инглиз тилида ҳам, шубҳасиз, **такрор** ҳисобланади. Мазкур бўлим такрорнинг **садда такрор, анафора, эпифора, анадиплосис, плеонизм/тавтология, параллель конструкциялар, синонимик такрор** каби кўринишилари ва уларнинг актуал бўлинишдаги мавқеи масаласи таҳлилига бағишиланган.

Рема таркибида келган **интенсификатор** реманинг кульминацион нуқтасини ифодалashi билан ажратувчи маркер ҳисобланади. И.Туранский тузилишига кўра уларни аффикслар, маъно кучайтирувчи сифатлар ва равишилар, феълларнинг синонимик қаторда қўлланилиши, квантор сўзлар ва

⁵² Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка . – М: Изд. иностр. лит., 1957. – С. 71.

⁵³ Тестелец Я.Г. Введение в общий синтаксис. – Российский государственный университет, 2001. – С. 446.

⁵⁴ Jespersen O. Analytic Syntax. – Chicago: University of Chicago Press, 1984. – P.73.

⁵⁵ Biber D, Conrad S, Leech G. Student grammar of spoken and written English. – L.: Longman, 2003. – P. 421.

фразеологизмларга ажратади⁵⁶. Инглиз тилида нутқда нисбатан кенг тарқалган кучайтирув актуализатор префикслари *hyper-, over-, super-, ultra-, mega-, magni-, macro-* ҳисобланади. Д.Болингер интенсификаторларни **эмфасайзерлар** (*actually, certainly*), **эмплифаерлар** (*entirely, deeply, extremely*), **даунтонерлар** (*quite, rather, slightly*), **аппроксиматорлар** (*almost, nearly, as good as*) бир неча турларга ажратади⁵⁷; Интенсификаторларнинг гапда қўлланилиши рема гурухининг абсолют белгиси эмас – актуаллаштирувчи бошқа доминант воситаларнинг (интонация, сўз тартиби) улар билан бирга қўлланилиши гапнинг коммуникатив марказини кўрсатиши мумкин.

Юкламалар масаласига келадиган бўлсак, инглиз тилида юкламалар миқдор жиҳатидан ўзбек тили каби бой эмас. Айнан реманинг кўрсаткичи сифатида хизмат қилувчи юкламалар қаторидан биринчи ўринда «not» жой олади. Шунингдек, «only», «just», «merely», «barely», «solely» каби айирувчегаралов ва «even» кучайтирув юкламалари⁵⁸ ҳам реманинг кўрсаткичи сифатида эътироф этилиши мумкин, чунки улар маънони бўрттириш хусусиятига эгадирлар.

Стилистик фигуранлар ва троплар орасида градация гапнинг айнан рема гурухи таркибидан жой олиб, муайян бўлакни интенсив равишда юқорига ёки қўйига даражалаш орқали актуаллаштириш хусусиятига эга бўлиб, даражаланишнинг энг сўнгги кўрсаткичи реманинг кульминациясини кўрсатади. **Гипербола** эса образни бўрттиришга, шу орқали таъсир кучини оширишга хизмат қиласа,⁵⁹ литотанинг қўш инкор шаклдаги қурилмалар орқали бўлишиликни ифодаловчи тури коммуникатив жиҳатдан аҳамиятлидир. Гап таркибида муайян инкор сўзнинг (масалан, инкор равишлари, олмошлар ва ҳ.к) қўлланилишининг ўзиёқ ремага ишора беради, икки ёки ундан ортиқ инкорнинг бир жумла таркибида мавжудлиги эса нафақат ҳиссий-экспрессивликни оширади, балки сўзловчи/муаллифнинг коммуникатив мақсади айнан ўша инкор формадаги ахборот эканлигини кўрсатади. Мазкур бўлимда шунингдек, **эллипсис, метафора, ўхшатиш** каби стилистик воситаларнинг актуал бўлинишда тутган ўрни ва ўзига хос жиҳатлари тегишли мисоллар воситасида ёритиб берилган.

Артикль коммуникатив жиҳатдан аҳамиятли категория ҳисобланади. Артикль категориясига эга бўлмаган тилларда аниқлик ёки ноаниқлик бошқа грамматик категориялар, хусусан, келишик қўшимчалари орқали ифодаланиши мумкин⁶⁰. Масалан, ўзбек тилида нафақат келишик қўшимчалари, балки маълум вербал воситалар (*бир, ҳалиги* каби) бу мақсадга хизмат қиласи⁶¹. Дунё тилларида артиклининг коммуникатив функцияларини ҳисобга олмасдан туриб, талабга жавоб берадиган ва муаллифнинг информатив мақсадини тадрижий етказиб берадиган таржимани амалга ошириш мумкин эмас, чунки, жумла таркибида тема ва реманинг жойлашуви маълум тилдан бошқасига ўтаётганда

⁵⁶ Кўрс.асар – С.80.

⁵⁷ Bolinger D. Intensification in English//Language sciences. – 1971 – №16 – Р.1-5

⁵⁸ Айрим кучайтирув юкламалари интенсификаторлар сифатида таҳлил қилинди

⁵⁹ Ҳомидий Ҳ. ва бошқ. Кўрс.асар – Б. 110.

⁶⁰ Маслов Ю.С. Указ. соч. – С.160.

⁶¹ Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси. – Андижон, 2012 – Б.130.

нотўғри тус олиши мумкин⁶². Масалан: *A woman dressed in black// was approaching to the harbor – Кўрфазга қора кийинган бир аёл яқинлашиб келмоқда эди.* (*Изоҳ:* агар таржима мазкур қонуниятни ҳисобга олмасдан, тартибсиз равишда «*Қора кийинган аёл кўрфазга яқинлашиб келмоқда эди*» қабилида амалга оширилса, тема ва рема гурухининг ўрни алмашиб қолади, натижада, муаллифнинг коммуникатив мақсадини кўзда тутмаган таржима вужудга келади)

Инглиз тилида ноаниқ артикль билан ифодаланган бўлак ёки бирликдаги саналмайдиган отнинг артиклисиз келиши гапнинг коммуникатив маркази бўлмиш ремани ҳосил қилса, аниқ артикль тингловчи/ўқувчига маълум информация ҳисобланган тема гурухининг белгиси ҳисобланади. Бироқ, бу шартли кўрсатгич, чунки, артиклнинг қандай функцияни бажараётгани, авваламбор, гап кетаётган ситуациядан ва, албатта, информация оқимининг қайси йўналишда берилаётганидан келиб чиқади. Маълум вазиятларда, масалан, турғун бирикмаларда артикль шунчаки грамматик-сintактик вазифада келиб, қайси тури ишлатилаётганидан қатъий назар тема ёки рема гурухи таркибида бўлиши мумкин. Масалан, қуйидаги мисолда аниқ артиклнинг қўлланилиши актуал бўлакни ифодаламоқда: *They// came in the morning.*

Артикль жуда ҳам кенг қамровли тил унсури бўлгани туфайли ҳам, гапда турли синтактик, коммуникатив, контекстуал вазифаларни бажаради. Коммуникатив табиати жиҳатидан тема ва ремани ажратувчи восита сифатида ўйнайдиган роли шунинг учун ҳам кўпинча бошқа воситалар соясида қолиб кетади. Демак, В.Е.Шевякова талқини билан айтганда, артикльга гапнинг муайян бўлагини актуаллаштирувчи факультатив восита сифатида каралиши мумкин⁶³.

Гап бўлакларини актуаллаштирувчи **морфологик воситалар** орасида кенг тарқалган воситалардан яна бири «**do**» эмфатик оператори ҳисобланади⁶⁴. «**Do**» ёрдамчи феъли нутқда асосан контраст (зидлов) эмфазани ифодалаш ёки хабар мазмунига қўшимча экспрессивлик ва интенсивлик юклаш мақсадида қўлланилиши мумкин⁶⁵. Кузатишлар шуни кўрсатдики, эмфатик «**do**» ёрдамчи феъли қўлланилганда, мазкур сўзга ўз-ўзидан эмфатик урғу тушиб, ўша бўлак англатган сема яна ҳам кучаяди, натижада гапнинг ремаси статусини олади⁶⁶.

Қўш инкор тушунчаси ўзбек тили учун ноодатий кўриниш эмас, яъни инкор олмошлари феълнинг инкор шакли билан бирикиб, тил меъёри учун зид бўлмаган ҳолатларни ҳосил қилиши мумкин: *У// ҳеч қаёққа кетгани йўқ.*

Инглиз тили адабий нутқ нормалари учун эса, маълумки жумла таркибида ягона инкор қўлланилиши мумкин холос. Бироқ, сўзлашув нутқида инкорнинг бундай кўриниши учраб туради. О.Есперсен таъкидлашича, инкорнинг бундай берилиши, унинг фикрича, худди такрор сингари, шунчаки стилистик мақсадларга хизмат қилувчи, яъни бўрттирувчи воситадир⁶⁷. Қўш инкор ҳодисаси литоталарни ҳосил қилишда ва инкор феълнинг бошқа бир инкор

⁶² Шевякова В.Е. Кўрс. асар – С. 112.

⁶³ Кўрс. асар – С. 122.

⁶⁴ Туранский И.И. Кўрс.асар – С.77.

⁶⁵ Biber D., Conrad S.,Leech G. Student grammar of spoken and written English. – Longman, 2003. – Р.139.

⁶⁶ Кўрс. асар – Р.139.

⁶⁷ Кўрс.асар – Р. 72.

восита билан (олмош, равиш, юклама) бирга қўлланилишида намоён бўлиб, муайян бўлакни эмфатик тарзда актуаллаштириш мақсадида қўлланилади.

Мажхул нисбатнинг инглиз тилидаги коммуникатив хусусиятларига келадиган бўлсак, О.Есперсен сўзловчи/муаллиф томонидан аниқ ёки мажхул нисбатнинг танланиши берилаётган гап таркибида қайси бўлакка қўпроқ аҳамият беришимиздан келиб чиқишини таъкидлайди⁶⁸. Мажхул нисбатнинг қўлланилиши қўйидаги омиллардан келиб чиқади: актив эга, яъни иш-ҳаракат бажарувчиси контекстдан маълум бўлмаса ёки хабар мазмуни учун унчалик аҳамиятга эга бўлмаган тақдирда, мажхул нисбатнинг қўлланилиши гап услугбининг силлиқланишига олиб келса, масалан, кетма-кетликда келган бир неча гаплар занжиридаги эга бўлак гоҳ актив, гоҳ пассив функцияда қўлланилганда, ўзига нисбатан диққатни жамлайди.

Сифат ва равишнинг даражаланиши одатда соф қиёс учун қўлланилади ва гап бўлакларини актуаллашувида уларнинг коммуникатив марказни белгилаб беришлари кўпинча бошқа воситалар ҳамкорлигида амалга оширилади. Субъектив муносабатни ифодаловчи қиёсий ёки орттирма даражা, шунингдек, элативнинг қўлланилиши қиёслаш эмас, балки шахс, предмет, воқелик, хулқ-автор ва шу каби феноменларнинг *ноодатийлик* хусусиятини ажратиб қўрсатиш, шу орқали унга эмфаза бериш каби функционал мақсадга кўра қўлланилади. Сифат даражалари орасида сўзлашув услугига хос бўлган элатив, айниқса, шундай хусусияти билан ажралиб туради.

Инглиз тилида **ўзлик олмошлари**, худди ўзбек тилидаги сингари нафақат иш-ҳаракатни бошқа шахсга ўтмай, эга ёки тўлдирувчи бўлакда қолишини, яъни ўзлик маъносини ифодалайди, балки ўзи тегишли бўлган от ёки кишилик олмошидан кейинги позицияда қўлланилиб, эмфаза юклаш орқали интенсификатор вазифасида қўлланилиши ҳам мумкин⁶⁹. Айтиш керакки, ўзлик маъносида мазкур олмошлар асосан эга ёки тўлдирувчи вазифасида келса, эмфатик интенсификатор сифатида бошқа бир қатор гап бўлакларини актуаллаштириши, рема кульминациясига ишора қилиши ёки эмфатик теманинг қўрсаткичи вазифасида қўлланилиши ҳам мумкин.

ХУЛОСА

1. Жумланинг коммуникатив вазифа нуқтаи назаридан тузилиши унинг актуал бўлиниши учун асос бўлади. Актуал бўлиниш, муаллиф мақсадидан келиб чиқсан ҳолда, фақат берилган контекст учун долзарб, айни вазият учун хос бўлган бўлиниш бўлиб, тема, ремадан ташкил топади. Рема таркибидаги сўзлар, ўз навбатида, динамиклиги жиҳатидан бир неча қисмларга бўлиниши мумкин. Реманинг энг долзарб қисми рема кульминациясидир. Гапнинг актуал бўлинишини тингловчи/ўқувчига маълум ва номаълумлик принципига эмас, балки жумла таркибидаги компонентларнинг коммуникатив вазнига кўра аниқлаш тамойили асосида тема ва унинг оппозициясида турувчи «коммуникатив марказ» – рема, шунингдек, реманинг энг муҳим қисми «рема

⁶⁸ Jespersen O. The Philosophy of Grammar. – London, 1958. – P. 167.

⁶⁹ Biber D., Conrad S., Leech G. Student grammar of spoken and written English. – Longman, 2003. – P.98.

кульминацияси» каби анъанавий бинар эмас, балки тринар таркиб сифатида кўриш унинг моҳиятини яққол намоён қиласди.

2. Гапнинг актуал бўлиниш қисмлари ўз ичидаги коммуникатив юкига кўра прогрессия ташкил этади. Тема прогрессияси маълумотларнинг бир бутунлигини таъминлаш томон ривожланиши акс эттираса, рематик прогрессия маълумотларнинг муҳимлик даражасига кўра даражаланиб бориб, рематик кульминациясининг белгиланишига олиб келади.

3. Ўзбек ва инглиз тилларида гап бўлакларини актуаллаштирувчи воситаларни просодик, морфологик, синтактик, лексик-стилистик сатхларда таснифлаш мумкин. Гап бўлакларини актуаллаштирувчи барча воситалар қиёсланаётган тиллар типологик табиатидан, генеологияси ва прагматик жиҳатларидан келиб чиқсан ҳолда турли сатхларда турли мавқеда намоён бўлади.

4. Интонация ва сўз тартиби ўзбек ва инглиз тилларида гап бўлакларини актуаллаштирувчи доминант воситалар ҳисобланади. Бошқа ёрдамчи воситалар интонация ва сўз тартиби ҳукми остида фаоллашади.

5. Ўзбек тилида нейтрал, экспрессивликдан холи бўлган гапларда сўз тартибининг структур-коммуникатив жиҳатдан турли шакллари мавжуд бўлиб, гапнинг қайси бўлаги актуаллашувига кўра (яъни кесим олди позицияси) хос ўринларга қўйилади, шунинг учун ҳам инглиз тилида сўзнинг қатъий тартиби гап бўлакларининг актуаллашиш имкониятларини ўзбек тили билан қиёслаганда, анча пасайтиради – инглиз тилида гапнинг структурасига маълум грамматик ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритмасдан, сўз тартибини шунчаки ўзгартириб, шу орқали гап бўлакларининг коммуникатив вазнини орттириб ёки камайтириб бўлмайди, факат баъзи ҳолатлар бундан мустасно, масалан, тўлдирувчи бўлак инверсияси.

6. Интонация ҳар иккала тил сўзлашув нутқи услубининг муҳим коммуникатив аспекти ҳисобланади. Ҳар иккала тилда ҳам синтактик тартибни ўзгартирган ҳолда гапнинг маълум бўлагига мантикий ёки эмфатик ургуни тушириш орқали актуаллаштириш мумкин. Логик ва эмфатик ургу, пауза, нутқ темпи, мелодикаси, унли товушларни чўзиб, ундошларни қаватлантириш, шунингдек, сўзларни бўғинлаб (ўзбек тилида), ҳарфлаб (инглиз тилида) талаффуз қилиш орқали гапнинг маълум бўлагини актуаллаштириш, айниқса, сўзлашув нутқи услубида кенг тарқалган.

7. Юкламалар, модал сўзлар ва айрим маъно кучайтирувчи воситалар гап бўлакларига нафақат қўшимча маъно оттенкаларини юклайди, балки уларни ажратиб кўрсатиш, бўрттириш, экспрессивликни таъминлаш орқали актуаллаштириш вазифасини ҳам бажарадилар. Оғзаки нутқда мазкур воситалар параллел равишда логик ёки эмфатик ургуни олади. Уларнинг ҳар иккала тилда Г.А.Бдаги аҳамияти турли даражада, сабаби, уларнинг тилда қўлланилиш шкаласи бир текисда ва микдорда эмас. Инглиз тилида интенсификатор сўзлар, ўзбек тилида эса юкламалар нисбатан фаол актуализаторлар ҳисобланади. Қўш инкор ўзбек тили учун одатий кўриниш, лекин инглиз тили адабий тил нормаларига зид. Шундай бўлса-да, сўзлашув

нутқи услубида экспрессияни ифодалаш орқали ўзи тегишли бўлакни актуаллаштирувчи восита сифатида қўлланилиш ҳолатлари сероб.

8. Такрор (редупликация)нинг барча кўриниши ўзбек тилида коммуникатив жиҳатдан маълум вазифа бажаради, бироқ синтактик редупликация ҳар иккала тилда ҳам актуализатор сифатида салмоқдор аҳамиятга эга.

9. Мажхул нисбатга ҳам жумла обьектини актуаллаштирувчи омил сифатида қараш мумкин. Инглиз тилида эса ҳиссий экспрессивликдан ҳоли бўлган нейтрал гапларда, ёзма нутқ, илмий-публицистик услубда яққолроқ кўзга ташланади. Унинг коммуникатив жиҳатдан аҳамияти, иш-ҳаракат бажарувчиси муҳим бўлмаган (ёки бўлган) пайтда, кесим бўлак ёки реципиентни актуаллаштирувчи воситалардан бири эканлигида намоён бўлади.

10. Артикль инглиз тилига хос бўлган грамматик категория сифатида ўз мавқеига эга. Ноаниқ артикль реманинг маркери сифатида талқин этилади, бироқ, таҳлилларимиз шуни кўрсатдик, у актуал бўлакнинг абсолют кўрсаткичи эмас, мустаснолар талайгина. Шунинг учун коммуникатив прагматик анализда нутқий вазият, контекст, тил нормалари каби омиллар ҳисобга олиниши керак. Ўзбек тилида артикль мавжуд эмас. Аниқлик ва ноаниқлик категориялари келишп кўшимиchlари, гумон, кўрсатиш олмошлари, «бир», «қандайдир бир», «ҳалиги» каби вербал воситалар орқали ифодаланилади.

11.Градация, гипербола, эллипсис, анафора, эпифора, метафора, ўхшатиш каби стилистик фигуранлар ва троплар ҳам қиёсланаётган тилларда нутқни таъсирили ва жозибали қилиш билан бирга, фикрни тингловчига тез ва осон етказиш имкониятини туғдиради. Улар ёрдамида хосил қилинган нутқ шакллари жарангдор бўлади, шунинг учун ҳам, (офзаки нутқда эмфатик ургу билан бирикиб, албатта) коммуникатив марказни шакллантириб берувчи унсур сифатида қарашимиз мумкин.

12. Жумланинг актуал бўлиниши универсал тил ҳодисаси бўлса-да, тема ва ремани ифодаловчи воситалар барча тиллар учун универсал ва бир хил даражали бўла олмайди. Масалан, ўзбек, рус тиллари учун реманинг ифодаланиш позицияси маълум конструкциялар қўлланилиши билан боғлиқ. Гапнинг актуал бўлиниши қонуниятларини ҳисобга олмасдан туриб, мантиқан тўғри тузилган ва боғланган, услугбий бўёқдор нутқ, шунингдек, рисоладагидай таржимага эришиш мумкин эмас. Актуаллаштирувчи воситалар асосий ва ёрдамчи ёки факультатив актуаллаштирувчилар сифатида тартибга келтирилади, актуал бўлиниш контекст тақозоси билан амалга ошганлиги туфайли улар қиёсланаётган тилларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, турли миқдор ва муҳимлик даражасига эга бўлади ҳамда турли ўхшашликлар, фарқлар ва эврилишлар билан қўлланилади (7-,8-,9-,10- иловаларга қаранг).

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC
DEGREES PhD.03/30.12.2019. Fil.60.02 AT
ANDIJAN STATE UNIVERSITY**

ANDIJAN STATE UNIVERSITY

EGAMNAZAROVA DURDONA SHUHRATILLAEVNA

**RESEARCH ON THE MEANS OF ACTUALIZATION OF THE PARTS OF
THE SENTENCE IN NON-RELATIVE LANGUAGES**

**10.00.06 – Comparative Study of Literature, Contrastive
Linguistics and Translationstudies**

**DISSERTATION ABSTRACT
FOR THE DOCTOR OF PHILOSOPHY SCIENTIFIC DEGREE (PhD)
IN PHILOLOGICAL SCIENCES**

The theme of PhD dissertation is registered by Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number B2018.3.PhD/Fil617The dissertation has been prepared at the Andijan state university.

The dissertation has been prepared at the Andijan state university.

The abstract of the dissertation is posted in three (Uzbek, Russian, English (resume)) languages on the website of Andijan State University www.adu.uz and «ZiyoNET» information and educational portal www.ziyonet.uz

Scientific advisor:

Shakhabitdinova Shokhida Khashimovna
Doctor of Philological Sciences, Professor

Official opponents:

Yakubov Jamaliddin Abduvalievich
Doctor of Philological Sciences, Professor

Toirova Nargiza Isakovna
Doctor of Philosophy in Philological Sciences

Leading organization:

Kokand State Pedagogical Institute

The defence of the dissertation will take place on «____» _____ 2020 at ____ at a meeting of the Scientific Council PhD.03/30.12.2019.FII.60.02 awarding scientific degrees at Andijan State University (Address: 129 University street, Andijan, 170100, Tel: 0(374) 223 88 14; Fax: 0(374) 223 88 30; e-mail: agsu_info@edu.uz)

The dissertation is available at the Information Resource Center of Andijan State University (registered number____). (Address: 129 University street, Andijan, 170100, Tel: 0(374) 223 88 14;

The abstract of the dissertation was distributed on «____» _____ 2020.

(Protocol at the registered № _____ on «____» _____ 2020).

N.M.Ulukov

Chairman of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philological Sciences, Professor

U.E.Rahimov

Secretary of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philological Sciences, Professor

M.I.Umarkhodjaev

Chairperson of the Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philological Sciences, Professor

INTRODUCTION (PhD thesis annotation)

Topicality and necessity of the dissertation theme. In the context of globalization, modern trends in world linguistics require a comprehensive analysis of the cultural and social aspects of language within the range of related and non-related languages. In modern linguistics, there is a growing interest in the communicative aspect of language, which is the basis of communication. From this point of view, research on the actual division of the sentence is a very important stage in the development of communicative syntax, text linguistics and translation studies, and in the analysis of a number of unresolved problems. The problem of the actual division of the sentence remains one of the most pressing issues in modern linguistics, in particular, in the analysis of discourse. Significant progress has been made as a result of a number of studies in this area.

In today's world linguistics, the desire of people to be united in today's social conditions, the constant growth of their desire to learn the culture and language of other peoples is reflected in science. The actual division of the sentence is a very interesting and at the same time very complex object of study not only for learners of foreign languages, but also as a means of creating a very wide range of meanings for those who communicate in their native language. Although some research has been done in world and Uzbek linguistics on the current division, the fact that this topic has not been studied comparatively as a whole system in the example of Uzbek and English speech shows that this problem needs to be studied comparatively within these non-relative languages.

At the current stage of development of Uzbek linguistics, the main requirement is that the results of any research and study should be constantly updated and supplemented, and these achievements should serve not only the development of linguistics, but also society. It should be noted that although Uzbek linguists have studied the problems of the actual division of the sentence to some extent, it would be no exaggeration to say that research based on comparative analysis of non-relative languages is lagging behind. Given the fact that Uzbek and English languages differ significantly in terms of syntactic structure, it is natural for language learners to face certain difficulties, in particular, the problem of interlingual interference. From this point of view, it should be noted that the comparative study of the means of the actual division of the sentence in non-relative languages, in particular, English and Uzbek, is one of the most important issues facing linguistics in Uzbekistan today. This issue can be considered as one of the tasks set for linguistics in accordance with the guidelines for the development of social spheres in the Strategy of Actions for the Comprehensive Development of the Republic of Uzbekistan¹.

To a certain extent, this scientific research will serve to implement the tasks set out in Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated December 10, 2012 No PR-1875 «On measures to further improve the system of teaching foreign languages», June 12, 2015, Decree No. PD-4732 «On measures to further improve the system of retraining and advanced training of managers and teachers of higher

¹Мирзиёев Ш. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармон / Халқ сўзи. 2017 йил, 8 февраль.

education institutions», Decree No. PD-4794 May 13, 2016 «On the establishment of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi», Decree No. PF-4947 of February 7, 2017 «On the Strategy of Actions for the further development of the Republic of Uzbekistan», Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated May 8, 2013 No 124 «On measures to further improve the system of learning foreign languages» on approval of the state educational standard for foreign languages of continuous education and in other relevant regulations.

Relevance of the research to the leading directions in the development of science and technology in the Republic. The dissertation is carried out in accordance with the priorities of the development of science and technology: I. «Formation of a system of innovative ideas and ways to implement them in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and a democratic state».

